

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
Қ А Р О Р И



ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

3 апрель 2018 й.г. № 260

Тошкент ш. – г. Ташкент

**Давлат фойдасига воз кечиш божхона режимига
жойлаштирилган товарларни давлат мулкани бошқариш
бўйича ваколатли органга топшириш тартиби тўғрисидаги
низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 131-моддасига мувофиқ ҳамда давлат фойдасига воз кечиш божхона режимига жойлаштирилган товарларни назорат қилиш ва ҳисобга олиш тартибини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 18 сентябрдаги 742-сон қарори билан тасдиқланган Давлат фойдасига воз кечиш божхона режимига жойлаштирилган товарларни давлат мулкани бошқариш бўйича ваколатли органга топшириш тартиби тўғрисидаги низомига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Н.С.Отажонов ва Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг раиси М.Б.Азимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил 3 апрелдаги
260-сон қарорига
илова

**Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 18 сентябрдаги 742-сон қарори
билан тасдиқланган Давлат фойдасига воз кечиш божхона режимига
жойлаштирилган товарларни давлат мулкани бошқариш бўйича
ваколатли органга топшириш тартиби тўғрисидаги низомга
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 2-банднинг тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“давлат мулкани бошқариш бўйича ваколатли орган - Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари – озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа товарлар бўйича, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ёки унинг ҳудудий органлари – қимматли қоғозлар ва қимматбаҳо металллар, қимматбаҳо тошлар ҳамда улардан ясалган заргарлик буюмлари ва бошқа буюмлар бўйича”.

2. 11-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“11. Давлат мулкани бошқариш бўйича ваколатли орган давлат фойдасига воз кечиш божхона режимига расмийлаштирилган:

оziқ-овқат маҳсулотларини –“Ўзбекизоziқовқатзахира” уюшмаси ташкилотларига;

қимматли қоғозларни - Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсига вақтинча сақлаш учун топширади. Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсига вақтинча сақлаш учун жойлаштирилган қимматли қоғозлар бўйича ҳуқуқлар давлат мулкани бошқариш бўйича ваколатли орган томонидан амалга оширилади;

қимматбаҳо металллар, қимматбаҳо тошлар ҳамда улардан ясалган заргарлик буюмлари ва бошқа буюмларни - улар Давлат асиллик даражасини белгилаш палатасида экспертизадан ўтказилгандан сўнг Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳузуридаги Қимматбаҳо металллар агентлигига топширади. Давлат асиллик даражасини белгилаш палатаси томонидан давлат фойдасига воз кечиш божхона режимига жойлаштирилган қимматбаҳо металллар, қимматбаҳо тошлар ҳамда улардан ясалган заргарлик буюмлари ва бошқа буюмларни техник экспертизадан ўтказишда асиллик даражаси тўлови ундирилмайди.

Бошқа товарлар Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан кимошди савдосини ўтказиш тартибида сотувга қўйилади. Тез бузиладиган ва паст қийматли товарлар давлат мулкани бошқариш бўйича ваколатли орган томонидан тўғридан-тўғри шартномалар тузиш орқали сотилади”.